**PAYITAXT HOTEL**

# ШАРТНОМА-14

**« 7 » Январь 2022г**

**«PAYITAXT HOTEL»** маъсулияти чекланган жамияти номидан жамият директори **Мамадиев Комилжон,** (кейинги уринларда **«Хизмат курсатувчи»** деб номланади) бир томондан ва Марказий банк Андижон вилоят Бош бошқармаси биноси номидан Э.Т. Чолсонов (кейинги уринларда **«Буюртмачи»** деб номланади) иккинчи томондан куйидагилар тугрисида Ушбу шартномани тузадилар:

## 1.ШАРТНОМА МАЗМУНИ.

1.1. **«Хизмат курсатувчи» «Буюртмачи»** нинг г буюртмасига асосан мехмонхона хизмати курсатиш мажбуриятини, **«Буюртмачи»** эса курсатиладиган мехмонхона хизмати учун олдиндан 30% хак тулаш мажбуриятини уз зиммасига оладилар.

## 2. ТОМОНЛАРНИНГ ХУКУК ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.

2 **«Буюртмачининг хукук ва мажбуриятлари:**

2.1 **«Буюртмачи»** мехмонхона хизмати курсатиш учун **«Хизмат курсатувчи»**га камида 3(уч) кун олдин телефонограмма,факс,телефон,хат ёки бошка алока воситалари оркали буюртма беради. Ушбу буюртмада буюртмачи мехмонхонада яшовчи уз ходимларининг кутилаётган сони, келиш ,куни, неча кун яшашлиги ва хона турларини курсатади.

2.2. **«Буюртмачи»** нинг буюртмасига асосан куйидаги кушимча хизмат турлари хам амалга оширилиши мумкин: автомашиналар учун саклаш жойлари, бир зумда тайёрланадиган овкатлар тайёрлаш (буюртма асосида), кир ювиш ва дазмоллаш, бассейн ва сауна хизматлари (бу хизматлар учун **«Буюртмачи»** белгиланган тарифлар асосида алохида хак тулайди).

2.3. **«Буюртмачи»**нинг мехмонлари мехмонхонада яшаш вактида таништирилган конун – коидаларга амал килмасалар, ёки зид харакат килсалар, мехмонхонадан чикариб юбориладилар ва **«Буюртмачи»** томонидан амалга оширилган тулов кайтарилмайди. Агар тулов амалга ошмай туриб шундай холат содир булса, **«Буюртмачи»** мехмони яшаган кунлари учун хак тулашга мажбур.

2.4. **«Буюртмачи»** нинг мехмонхонада яшаётган мехмонлари айби билан хонада ёнгин, сув тошкини ва бошка зарар келтирадиган ходисалар содир этилса, ушбу келтирилган зарарни 100 % коплашни **«Буюртмачи»** уз зиммасига олади ( содир булган зарар 100 % тиклаш ёки тиклаш учун кетадиган маблагни **«Хизмат курсатувчи»** га тулаш йули билан амалга оширилади).

## 3. «ХИЗМАТ КУРСАТУВЧИ» НИНГ ХУКУК ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. **«Хизмат курсатувчи»** шартнома ва буюртмага асосан **«Буюртмачи»**га мехмонларини мехмонхонада яшашлари учун (кушимча хизмат турлари алохида курсатилади) 30% олдиндан туловни амалга оширишига хисоб-варак беради.

**«Буюртмачи»** олдиндан туловни амалга оширмаса пул утказгунга кадар гаров тарикасида накд пул ундирилади.

3.2. Шартноманинг №1 иловасидаги курсатилган нархлар комунал туловларни нархлари узгарганда йил давомида узгариш мумкин.Узгаришлар булганда **«Хизмат курсатувчи» «Буюртмачи»**ни 15 (ун беш) кун олдин огохлантиради

3.3.Буюртмачининг мехмонхонадан булган жами карздорлиги, мехмонхона хизматлари курсатиш тугагандан сунг 5 (беш) кун муддат ичида мехмонхона хизматлари курсатганлик хакидаги далолатнома ва хисоб варакга асосан тулаб берилади.

**«Буюртмачи»** 3 (уч) кун муддат ичида **«Хизмат курсатувчи»**дан олган мехмонхона хизматлари курсатганлик хакидаги далолатнома ва хисоб варакни тасдиклаб **«Хизмат курсатувчи»**га бир нусхасини кайтаради.

3.4. Мехмонхонада хисоб-китоб вакти 12-00 дан 12-00гача. Агар мехмон хисоб-китоб вактидан кейин-соат 24-00 гача чикиб кетса кушимча тулов бир суткалик яшаш хаки ундирилади.

3.5. **«Хизмат курсатувчи»** хисоб – варакада ва буюртмада курсатилган булса, **«Буюртмачи»** нинг мехмонларини озик-овкат, экскурсия хизмати, транспорт воситаси ва сафар чипталари билан таъминлашни уз зиммасига олади.
3.6. **«Хизмат курсатувчи» «Буюртмачи»** мехмонлари томонидан мехмонхонага етказилган зарарни ундириб олиш ва мехмонхонада яшаш коидаларига риоя килмаган мехмонларини мехмонхонадан чикариб юбориш хамда, амалга оширилган туловни кайтармаслик хукукига эга.
3.7 **«Хизмат курсатувчи»** шахар Электр тармоклари корхонаси томонидан электр энергияси етказиб берилмаганда шунингдек шахар Сув окава корхонаси томонидан сув таъминотида носозликлар туфайли мехмонхонада сув таъминоти булмаганда юкорида курсатилган холатларда жавобгар эмас.

## 4.ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ .

4.1**«Буюртмачи»** курсатиладиган мехмонхона хизмати учун туловни уз вактида амалга оширмасада, лекин **«Хизмат курсатувчи» «Буюртмачи»** нинг мехмонларини мехмонхонага жойлаштирган булса, 1 (бир) кунлик муддатда туловни амалга ошириши шарт. Акс холда, муддати утган хар бир кун учун шартнома умумий суммасининг 0,1% микдорида жарима тулайди.
4.2 **«Буюртмачи»** буюртмада курсатилган куни мехмонини мехмонхонага жойлаштирмаса, Ушбу мехмони келгунига кадар хар бир кунга хона брони учун хак тулайди ва (ёки ) шу буюртмада белгиланган куни шартномани бекор килмокчи булса, келишилган хонанинг бир суткалик нархини тулашни уз зиммасига олади .
4.3**«Хизмат курсатувчи»** айби билан буюртмада курсатилган куни **«Буюртмачи»**нинг мехмонлари мехмонхонага жойлаштирилмаса, хар бир утган кун учун шартнома умумий суммасидан 0,1 % микдорида жарима тулайди (**«Буюртмачи»** томонидан олдиндан тулов амалга оширилмаган холатлари бундан мустасно).

## 5. ФОРС МАЖОР.

5.1 Ушбу шартнома шартлари талаблар уртасида, табиий офатлар, зилзила, сув тошкини ва оммавий сафарбарлик холатларида бажарилмаганида, томонлар жавобгар булмайдилар.
5.2 Шартнома шартларини узгартириш, бекор килиш, кушимчалар киритиш ва Ушбу шартнома юзасидан келиб чикадиган Низолар томонларнинг узаро хат алмашинуви асосида хал булади. Агарда, унинг имкони булмаса, Низолар Узбекистон Республикаси Конунлари ва Суд оркали хал килинади.

## 6. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ КИЛИШ МУДДАТИ

6.1 Шартнома икки нусхада тузилиб, иккаласи хам бир хил юридик кучга эга. Бир нусхаси **«Хизмат курсатувчи»** да, иккинчи нусхаси **«Буюртмачи»** да сакланади. Шартнома имзоланган кундан бошлаб томонлар ўз мажбуриятларини бажаргунларига кадар амал килади . **Муддати 31 декабрь 2021 йил**

## ТОМОНЛАРНИИГ МАНЗИЛГОХЛАРИ

**«PAYITAXT HOTEL» МЧЖ**

**Андижон ш. Бобуршох кучаси 122-уй**

**х/р: 2020 8000 505 296 269 001**
**банк: АТ "Алоқабанк" Амалиёт бошкармаси Андижон ХКХКМ**
**МФО: 00401 ИНН: 307 849 890**

**Мамадиев К.** ____________

PAYITAXT HOTEL

Марказий банк Анд. вил. Бош бошкармаси
Андижон ш. А.Навоий шох кўчаси 87 уй.
х/р. 29802000700000016028
МБ ХККМ Андижон ш
МФО 00016 ИНН 202841846
тел 74-223-59-00

____________ Г.Т. Ченонов

MAZKUR SHARTNOMA LOYIHASI
HUQUQIY EKSPERTIZADAN O'TKAZILDI
YURIDIK XULOSA
USHBU SHARTNOMA LOYIHASI O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI FUQAROLIK KODEKSI VA O'ZBEKISTON RESPUBLIKASINING 29.08.1998 YILDAGI "XO'JALIK YURITUVCHI SUB'EKTLAR FAOLIYATINING SHARTNOMAVIY-HUQUQIY BAZASI TO'G'RISIDAGI" QONUNNING TALABIGA MOS KELADI. TARAFLAR O'RTASIDA MAZKUR SHARTNOMANI TUZISH, IMZOLASH VA MUHR BILAN TASDIQLASH TAVSIYA ETILADI
HUQUQSHUNOS: A. O. QOBILOV
« 07 » 01 2022 yil

«PAYITAXT HOTEL» МЧЖ мехмонхонасининг мехмонхона
хизмати бўйича « 7 » Январь 2022 йил № 14

## « PAYITAXT » МЕХМОНХОНАСИДА МЕХМОНЛАРНИНГ БИР КУНЛИК ИСТИҚОМАТ ҚИЛИШЛАРИ УЧУН ХОНАЛАР НАРХЛАРИ

| Хоналар турлари | Ўзбекистон фукаролари учун хона нархлари | | | Чет эл фукаролари учун хона нархлари | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | *ҚҚСсиз* | *15 % ҚҚС* | *ҚҚС билан* | *ҚҚСсиз* | *15 % ҚҚС* | *ҚҚС билан* |
| Стандардный1-местный | | | *240 000 сўм* | | | *287 500 сўм* |
| Стандардный 2-местный(одномест.размещение) | | | *300 000 сўм* | | | *350 000 сўм* |
| Стандардный 2-местный | | | *340 000 сўм* | | | *390 000 сўм* |
| Стандардный3-местный | | | *510 000 сўм* | | | *560 00 сўм* |
| Люкс1-местный | | | *500 000 сўм* | | | *550 000 сўм* |
| Люкс(улучшенный) | | | *550 000 сўм* | | | *600 000 сўм* |
| Люкс 2-местный(одномест.размещение) | | | *500 000 сўм* | | | *550 000 сўм* |
| Люкс 2-местный | | | *550 000 сўм* | | | *600 000 сўм* |

## СТОИМОСТЬ НОМЕРОВ В ГОСТИНИЦЕ « PAYITAXT »

| Тип номера | Цена для граждан Узбекистана | | | Цена для иностранцев | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | *Без НДС* | *15 % НДС* | *С учетом НДС* | *Без НДС* | *15 % НДС* | *С учетом НДС* |
| Стандардный1-местный | | | *240 000 сўм* | | | *287 500 сўм* |
| Стандардный 2_ (одномест.размещение) | | | *300 000 сўм* | | | *350 000 сўм* |
| Стандардный 2-местный | | | *340 000 сўм* | | | *390 000 сўм* |
| Стандардный3-местный | | | *510 000 сўм* | | | *560 00 сўм* |
| Люкс1-местный | | | *500 000 сўм* | | | *550 000 сўм* |
| Люкс(улучшенный) | | | *550 000 сўм* | | | *600 000 сўм* |
| Люкс 2-местный(одномест.размещение) | | | *500 000 сўм* | | | *550 000 сўм* |
| Люкс 2-местный | | | *550 000 сўм* | | | *600 000 сўм* |

«Хизмат кўрсатувчи»

Имзо (м.у)

«Буюртмачи»

Имзо (м.у)